

Аҳтам АҲМЕДОВ,

Бухоро давлат университети магистранти

БУХОРОДАГИ БЕЪБАҲО ХАЗИНА

Бугунги кунда ўзлимизни англаш учун ота-боболаримизнинг тафаккури маҳсули бўлмиш маънавий меросни, маданиятимиз тарихини, диний ва дунёвий тафаккур эволюциясини билиш ва чуқур ўрганиш зарурати кучаймоқда. Бу эҳтиёжни қондириш тарихни илмий ўрганиш ва чуқур англаш орқали амалга ошади. Тарихни ўрганишда эса ўтмишнинг ҳақиқий гувоҳлари бўлмиш қўлёзмалар ва улар сақланадиган хазиналарнинг аҳамияти бекиёсдир.

Ана шундай хазиналардан бири Бухоро вилоятида ўзининг кенг қўламли, турли соҳаларни ўзида жамлаган мўътабар қўлёзма китоблари билан маълум ва машҳур зиё маскани Абу Али Ибн Сино номидаги ахборот-кутубхонанинг “Шарқ қўлёзмалар” хазинасидир.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, XIX асрнинг иккинчи ярми XX асрнинг бошларида қадимий Бухородан қўлаб ўқимишли, зиёли кишилар ўз ўлкасини яхши ўрганган тарихчи ва ўлақшунослар, ёзувчи ва шоирлар етишиб чиққан. Улар самарали ижод қилиб, келажак авлод учун бой маданий ва тарихий мерос қолдирганлар. Бундай маърифатпарварлар қаторида таниқли ўлақшунос, қадимшунос ва таржимон, профессор Мусо Саиджоновнинг ўзига хос ўрни бор.

Аждодларимизнинг бой тарихий ва маданий меросини тўпловчи ва ўрганувчи Мусо Саиджонов Бухоро шаҳрида Ўлақшунослик музейи ва Абу Али ибн Сино номидаги вилоят кутубхонасини ташкил этишда ва уларни қадимий маданий маърифий манбалар, нодир қўлёзма асарлар, қимматбаҳо литографик китоблар, турли даврларда ёзилган тарихий ҳужжатлар, хаттотлик санъати намуналари ва шу каби маънавий ёзма бойликлар билан бойитишда жонбозлик кўрсатган. Ўша даврда вилоят кутубхонаси Минораи Калон ёнидаги Амир Олимхон мадрасаси биносида жойлашган эди.

Вилоят кутубхонасининг “Шарқ қўлёзмалар” хазинасида бугунги кунда турли даврларда турли хаттотлар томонидан қўчирилган қўлёзмалар ва Ўрта Осиё, Афғонистон, Русия, Туркия, Эрон, Ҳиндистон, Саудия Арабистони, Миср ва Яман каби дунёнинг машҳур типографияларида чоп этилган литографик китоблар ҳам ардоқлаб сақланиб келинади.

Кутубхонадаги манбаларга диққат билан назар ташланса, улар асосан турли даврлардаги амирлар саройи кутубхоналаридан ва ўз даврида қозилик вазифасида фаолият кўрсатган Муҳаммад Шариф Садри Зиё, Муҳаммад Сиддиқхонтўра Ҳашмат ва Абдулфаттоҳ ибн Маҳдийхон кабиларнинг шахсий кутубхоналаридан тақдим этилганини гувоҳи бўламиз. Сўзимизнинг исботи сифатида баъзи китоблардаги муҳрларга эътибор берилса, унда юқорида номлари тилга олинган шахсларнинг исмларини муҳрларда акс этганини кўрамиз. Бу эса, китобда номи акс этган шахснинг унга эгалик қилганидан далолатдир.

Мазкур хазинадаги ёзма манбалар Мовароуннаҳр ва Хуросон хаттотлари томонидан қўчирилган бўлиб, буларнинг орасида Бухорода қўчирилганлари ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Биз илмий изланишимиз асносида ҳар бир манбаларни синчиклаб ўрганганимизда, баъзи манбаларнинг сўнгги варақларида бун

гувоҳи бўлдик. Мисол учун тасаввуфга оид бир мажмуа (тўплам) Котиб Нурмуҳаммад бин Султон Муҳаммад Балхий томонидан 1235х/1818 йилда Бухородаги “Субҳонкулихон” мадрасасида, Жалол ад-дин Хўжанинг “Девони зухурий” асари 1247х/1830 йилда Бухородаги Волидаи Абдуллохон гузарида, Жалол ад-дин Муҳаммад Авфийнинг “Жомеъ ал-ҳикоёт” асари 1302х/1885 йилда Бухородаги “Биби халифа” мадрасасида, Мавлоно Муъиннинг “Сияри Шариф” асари 1311х/1894 йилда Мулло Абдурашул Қори ибн Мулло Мирзо Абдул Ваҳҳоб Бухорий томонидан Бухородаги “Жўйбори Калон” мадрасасида кўчирилганлиги манбаларнинг ўзида акс этган.

Вилоят кутубхона хазинасида Қуръони Каримнинг бухоролик хаттот Абдуллоҳ Савдоий қўли билан жуда чиройли “Насхи Бухорий” хат услубида кўчирилган нусхаси ҳам сақланиб келинади. Ундан ташқари Қуръони Карим тафсилларидан Ҳусайн Воиз Кошифийнинг “Тафсири Хусайний” (Мавоҳиби Ладуния номи билан ҳам маълум) номли муаллиф ўз қўли билан кўчирган-автограф нусхаси, Фахриддин Муҳаммад Розийнинг “Мафотиҳ ал ғайб” бу тафсир “Тафсири кабир” номи билан ҳам маълум, Абу Жаъфар ибн Жарир ат-Табарийнинг “Жомеъ ал- баён фи тафсир ал- куръон”, Яъқуб Чархийнинг “Тафсири Яъқуб Чархий” ва Шайх Исмоил Ҳаққийнинг “Рухул Баён” каби тафсир китоблари ҳам кўз қорачиғидек асраб авайлаб келинмоқда.

Ҳадис илмига доир адабиётлардан Муслиҳ ад-дин Мавлоно Мустафо ар-Румийнинг “Мишкот ал-масобиҳ” номли асарини Аваз Муҳаммад ал-Бухорий томонидан кўчирилган нусхадан 1135х/1722 йилда Мавлоно Абдулмажид Қоракўлий қўли билан қайта кўчирилган нусхаси. Шунингдек, Абдулҳақ бин Сайфиддин ад-Дехлавий томонидан ёзилган “Шарҳи мишкот ал-масобиҳ” номли асарнинг XVII асрда кўчирилган нусхаси ҳам вилоят кутубхона хазинасида сақланмоқда.

Бундан ташқари, кутубхона хазинасида ислом ҳуқуқшунослигига доир мўътабар манбалар ҳам мавжуд бўлиб, улардан: Абул Баракот Абдуллоҳ бин Аҳмад ан-Насафийнинг Фатавои мустасфо” яъни танланган фатволар

номли асарининг 685х/1286 йилда муаллиф ўз қўли билан кўчирган автограф нусхаси ҳам сақланади. Илмий тадқиқот асносида ушбу асарнинг бир неча жойида Муҳаммад бин Маҳмуд ал-Ҳофиз ал-Бухорий (Хўжа Порсо) нинг шахсий муҳрлари босилганлигини гувоҳи бўлдик. Бундан шу нарса маълум бўладики, мазкур асар мўътабар манба сифатида Хўжа Порсонинг шахсий кутубхоналаридан жой олган китоблар сирасига кирган ва замонлар ўтиши билан бизга номаълум сабаблар билан вилоят кутубхонаси хазинасига келиб қолган. Шунингдек, кутубхона хазинасида Муҳаммад ибн Али Қоидий ал-Хўжандийнинг “Фатаво-и Қоидий” номли фикҳга оид манбанинг 760х/1359 йилда кўчирилган нусхаси ҳам сақланиб келинади. Ундан ташқари Тоҳир бин Аҳмад бин Абдурашид ал-Бухорийнинг “Хулосатул фатаво” асарининг 974х/1566 йилда кўчирилган нусхаси, Абдул Боқий Жамолийнинг “Фатаво-и Татархоний” асарининг 1007х/1599 йилда кўчирилган нусхаси, шунингдек, “Жомеъур-румуз” асарининг Файзи ибн Марҳум Мулло Мир Муҳаммад Ғазнавий қўли билан 1076х/1666 йилда кўчирилган нусхаси, Абу Зайд Убайдуллоҳ бин Умар бин Исо ад-Даббусийнинг “Асрори Даббусия” асарининг котиб Муҳаммад томонидан 1140х/1727 йилда кўчирилган нусхаси ҳамда “Раддул мухтор алад-дурр машхур), ал мухтор”, “Мухтасарул-виқоя маъа жунг”, “Шарҳул-ҳидоя” “Фатавои Ҳиндия”(ушбу асар “Фатаво и Оламгирия” номи билан ҳам машхур) каби фикҳий асарлар ҳам кутубхона хазинасидан ўрин олган.

Абу Али ибн Сино номидаги вилоят кутубхона хазинасида фикҳий асарлар қатори тасаввуфга доир манбалар ҳам сақланиб келинади. Улардан: Муҳаммад бин Яҳё бин Али ал-Жийлоний ал-Лоҳижий ан-Нурбахшийнинг “Мафотиҳул эъжоз фи шарҳи гулшани роз” номли тасаввуфга доир асарини котиб Муҳаммад Жамол томонидан 877х/1472 йилда кўчирилган нусхаси, Муҳаммад бин Маҳмуд ал-Бухорийнинг XVI асрда кўчирилган “Фаслул-хитоб ли-васлил-аҳбоб” номли асари. Ушбу китоб ўз даврида ислом уламолари орасида қўлланма сифатида фойдаланилган. Асарни тасаввуф борасида батафсил маълумот

берадиган мўътабар манбалардан десак бўлади. Унда ислом ақидаси, ибодат, шариат ва тариқат аҳкомлари илмий ва тасаввуфий нуктаи назардан атрофлича таҳлил қилинган. Шунингдек, кутубхона хазинасида Зайниддин Абу Ҳомид Муҳаммад Ғаззолийнинг “Кимёи саодат” асарининг Абдуллоҳ бин Тоҳир Муҳаммад Яъқуб Шайхӣ ал-Бухорий томонидан 1030х/1620 йилда кўчирилган нусхаси, “Ихёи улумид-дин” номли асарининг тахминан XVIII асрда кўчирилган нусхаси, Шайх Аҳмад Фаруқий ан-Нақшбандийнинг “Мактуботи Имом Раббоний” номли асарининг 1240х/1824 йилда кўчирилган нусхаси ҳам сақланиб келинади. Асарда ислом ақидаларидаги баъзи низоли масалалар муаллиф томонидан таҳлил ва ислоҳ этилиб, сўнг замондош шайхларга юборилган мактублари жамланган. Бу хатлар уч киши томонидан тўпланган: Биринчи қисмдаги мактубларни Ёрмуҳаммад Бадахший ат-Талқоний, иккинчи қисмдаги мактубларни Абдулҳай ибн Хожа Чокар Ҳисорий ва учинчи қисмини Хожа Муҳаммад Ҳошимлар тўплаган. Унинг биринчи қисмида 313 та мактуб, иккинчи қисмида 99 та ва ниҳоят учинчи қисмида эса 123 та жами 535 та мактубни ўз ичига олади. Кутубхона хазинасида яна Шайх Аҳмад Фаруқийнинг “Маорифи ладуния” номли асарининг (1334х/1915) йилда кўчирилган нусхаси ва Абдурахмон Жомийнинг “Силсилат аз-заҳаб” номли асарининг XVI асрда кўчирилган нусхаси ҳам сақланиб келинмоқда.

Юқорида зикр қилинган манбалар қаторида “Жавохир ал-асрор”, “Маслак ал-Орифийн”, “Ҳазийнат ал асфиё” бу асарда суҳравардия, увайсийя, кубравийя, қодирийя, нақшбандия, чиштия ва бошқа тариқат машойихларининг таржимаи ҳоллари берилган. Тасаввуфга доир манбалардан яна “Шарҳи шабистон”, “Маснавий-маънавий”, “Нузҳат ал-арвоҳ”, “Манозил ас-соирин” “Таҳқиқоти Хўжа Муҳаммад Порсо” ва “Сафийнат ал-авлиё” каби тасаввуф ва тасаввуф истилоҳларига доир кўплаб мўътабар асарлар ҳам кутубхона хазинасида сақланаётган асарларнинг муайян салмоғини ташкил этади.

Кутубхона хазинасида мазкур асарлардан ташкари тарихга оид бир канча манбалар

ҳам мавжуд. Булардан; “Муъийн ал-фуқаро”(фақирларга ёрдам берувчи) лақаби билан машҳур Аҳмад ибн Маҳмуднинг “Тарихи Муллозода” асарининг 1183х/1769 йилда кўчирилган нусхаси, Аҳмад Маҳдум Донишнинг “Наводирул-вақойё” номли асарининг 1305х/1888 йилда кўчирилган нусхаси, Абу Жаъфар Муҳаммад бин Жарир Язид ат-Табарийнинг “Тарихи Табарий” асарининг XX асрда кўчирилган нусхалари ҳам мавжуд. Шунингдек, кутубхона хазинасида Муҳаммад Юсуф Муншийнинг “Тарихи Муқимий”, Маҳмуд Ҳаким Яйфоний бин Домло Шоди Муҳаммад Фарғонийнинг “Хуллас ат-таворих”, “Темурнома”, “Рўзномаи Мирзо Муҳаммад Бобур Кўрагон (Бобурнома)” ва “Китаб ал-қанд фи маърифати уламои Самарқанд”, “Тухфат аз-зоирийн”, каби Бухоро ва Мовароуннаҳр тарихини ёритувчи манбалар мавжуд. Кутубхона хазинасида умумий тарихга доир кўплаб асарлар ҳам мавжуд бўлиб, улардан; “Тарихи салотини Сосония”, “Тарихи Эрон”, “Жомеъ ат-таворих”, “Носихут таворих”, “Тоҷ ат-таворих”, “Мифтах ат-таворих”, “Тарихи Нигористон”, “Тарихи Петр кабир”, “Тарихи мухорабаи рус ва Жапон” каби манбалар шулар жумласидандир.

Кутубхона хазинасида ислом тарихи билан боғлиқ маълумотларни ўз ичига олувчи манбалар ҳам кўз қорачигидек асраб авайлаб келинади. Жумладан; “Тарих ал-хулафо вал-умаро ал-мўъминийн”, “Равзат аш-шуҳадо”, “Равзат ас-Сафо фи сийрат ал-анбиё вал мулук вал хулафо”, “Нодир ал-меърож”, “Мажолис ал мўъминийн”, “Ҳабиб ас-сияр фи ахбори афрод ал-башар” ва “Вафоул-вафо би-ахбари дар ал мустафо”, сўнги ушбу манбада Мадина шаҳрининг 100 га яқин тарихий номланиши, унинг шифобахш сувлари ва тупроқлари, ундаги тарихий обидалар, зиёратгоҳ жойлар, уларнинг жойлашган ҳудудлари ва мадинада мавжуд диққатга сазовор жойлар ҳақидаги хабарлар билан бир қаторда ислом дини равнақи учун хизмат қилган таниқли шахслар ҳақида ҳам баъзи керакли маълумотлар берилган.

Кутубхона хазинасида турли мамлакатлар тарихи ҳақида маълумот берувчи манбалар билан бир қаторда ўша мамлакатларда

истиқомат қилган машҳур тарихий шахслар, фақиҳлар, мутафаккир олимлар, тасаввуф аҳллари, уларнинг таржимаи ҳоллари, юриш-туришлари, ҳаёт тарзлари ва шу каби маълумотларни ўз ичига олувчи тазкиралар, маноқиб ва биографик асарлар ҳам мавжуд. Мисол тариқасида Абдулқодир бин Муҳаммад бин Насруллоҳ бин Солим бин Муҳиддин Абу Муҳаммад Абулвафо ал-Қурашийнинг “Жавоҳир ал-мудийя фи табақот ал-ҳанафийя” асарининг 117х/1705 йилда котиб Лутфуллоҳ томонидан кўчирилган нусхаси, Алишер Навоийнинг “Мажолис ан-нафоис”, асарининг 1270х/1854 йилда котиб Юнусхўжа томонидан кўчирилган нусхаси, Абулҳасанот Муҳаммад Абдул-Ҳайй ал-Лакнавийнинг “Фавоид ал-баҳийя фий тарожим ал-ҳанафийя”, Абул Аббос Шамсуд-дин Аҳмад бин Муҳаммад бин Абу Бакр бин Халконнинг “Вафиййот ал-аъён ва анба-у абнаиз-заман” номли асарларининг XX асрга оид нусхалари ва “Маноқиб Ҳазрат Ғавсул-Аъзам”, “Маноқиб сайёҳин” каби бир қанча маноқиб китоблари ҳам кутубхона хазинасидан ўрин олган.

Мазкур хазинада тиббий китоблар ҳам мавжуд бўлиб, унда нафақат Бухоро тиббий олимларининг асарлари балки, ҳинд, араб ва бошқа миллатлар тиббий олимларининг асарлари ҳам ўрин олган. Жумладан; Исмоил бин Ҳусайн Журжонийнинг “Захира и Хоразмшоҳи” асарининг тахминан XVI асрда кўчирилган нусхаси, Абу Али Ибн Синонинг устози Абу Мансур ал-Ҳусайн бин Нух ал-Қумрийнинг “Тибб ал-Қумрий” асари, Муҳаммад Акбарнинг “Тибби Акбарий”, Абу Аҳмад Абд ал-Азизнинг “Иксир фий илми-т-тибб” асарининг 1277х/1861 йилда кўчирилган нусхаси, Абул Ҳасан Қурашийнинг “Мужаз” асарининг Муродбахш валади Ҳаким Баходир Ҳусайн томонидан 1213х/1799 йилда кўчирилган нусхаси, Ибн Закариёнинг “Хавосс ал ашъ” номли асарининг (1261х/1845) йилда кўчирилган нусхаси, ундан ташқари “Қавонийн ал илож” номли асарнинг (1235х/1820) йилда кўчирилган нусхаси, Абу Али Ибн Синонинг “Ал-қонун фит-тибб” асарининг (1287х/1870) йилда кўчирилган нусхаси,

Солиҳ бин Муҳаммад Солиҳнинг “Муолажат ал-атфол” асарининг (1261х/1845) йилда кўчирилган нусхаси, Имоад-дин Маҳмуднинг “Мужарработи Имодий”, Муҳаммад Муъийн Ҳусайнийнинг “Тухфат ал Мўъминийн”, шунингдек, Султон Алининг “Дустурул атибба” номли асарининг (1253х/1838) йилда кўчирилган нусхаси, Муҳаммад Қосимнинг “Ихтиёроти Қосимий” номли асарининг Котиб Мулло Мир Боқир томонидан XVIII асрда кўчирилган нусхаси, Иззуддин бин Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Муҳаммад ибн Тархон ас-Сувайдий ал-Ансорийнинг “Тазкират ас-Сувайдий”, яманлик тиб олими Иброҳим бин Абдурахмон бин Абубакр ал-Азракийнинг “Тасҳийл ал-манофеъ фи-т тибби вал ҳикма”, Муҳаммад Акбар Ариф Муҳаммаднинг “Муфаррих ал-қулуб” номли асарнинг (1197х/1782) йилда кўчирилган нусхалари билан бир қаторда Солиҳ бин Муҳаммад бин Муҳаммад Солиҳ ал-Қандахорийнинг “Амал ас-солиҳийн” номли табобатга оид изоҳли луғатнинг Қози Абу Наъим бин Эшон Халифа Муҳаммад Ниёзкули томонидан (1263х/1846) йилда кўчирилган нусхаси ҳамда кўплаб тиббий олимларнинг “Фарҳанги тибб” ва “Қомус ат-тибб” сингари номлар остида ўнлаб тиббий қомуслари ҳам ардоқланиб сақлаб келинмоқда.

Юқорида зикр қилинган тиббий манбалар нафақат Бухоро ёхуд Мовароуннаҳрдаги тиббий олимларнинг асарларидир балки, Ҳирот, Ҳиндистон, Эрон ва кўпгина араб мамлакатлари олимлари, ҳатто Европанинг тиб олимларидан Букрот, Жолинус сингари машҳур шахсларнинг асарлари кейинги даврларда форс ёки араб тилларида таржима қилиниб, бизгача етиб келганининг ўзи ва мазкур кутубхона хазинасида ҳозирга қадар сақланиб келинаётганининг ўзи ҳам бу хазинанинг нақадар кенг қамровли ва бой эканидан далолатдир.

Кутубхонанинг шарқ қўлёзмалар хазинасида бошқа соҳалар каби шарқ мумтоз адабиёти намояндаларининг асарлари ва бухоролик шоир ва мутафаккирларнинг форсий ва туркий тиллардаги адабий асарлари, шеърӣ тўпламлари ҳам сақланиб келинади. Мисол учун Шайх Саъдий Шерозийнинг “Куллиёти

Шайх Саъдий” асарининг (1018х/1610) йилда кўчирилган нусхаси, Низомий Ганжавийнинг “Хамсаи Низомий” асарининг (1084х/1674) йилда кўчирилган нусхаси, Алишер Навоийнинг “Девони Навоий” асарининг тахминан XIX асрда кўчирилган нусхаси, Мирзо Абдулқодир Бедилнинг “Девони Бедил” асарини (1243х/1828) йилда кўчирилган нусхаси, Мавлоно Асир ад-диннинг “Девони Асирий” асарининг (1114х/1605) йилда кўчирилган нусхалари шулар жумласидандир. Ундан ташқари, адабиёт соҳасида Мулло Муҳаммад Имло Бухорийнинг “Девони Имло”, Шаҳди Бухорийнинг “Девони Шаҳдий”, Мулло Кулмуҳаммад Афғоннинг “Девони Афғон”, Аҳлий Шерозийнинг “Девони Аҳлий”, Қассоб Бухорийнинг “Девони Қассоб”, Урфий Шерозийнинг “Девони Урфий”, Мулҳим Бухорийнинг “Девони Мулҳим”, Мулло Бақоуддин Бухорийнинг “Девони Ворис”, Анварий номи билан танилган Муҳаммад бин Муҳаммаднинг “Шарҳи девони Анварий”, Сайдо Бухорийнинг “Девони Сайдо” ва Абдурахмон Жомийнинг “Девони мавлавий Жомий” номли асарининг Эрназар ибн Муҳаммад Хусайний ал-Жузжоний томонидан кўчирилган қўлёзма нусхаси каби қўлёзмалар мавжуд.

Кутубхона хазинасида шеърӣ тўпламлар, ғазаллар ва қасидалар билан бир қаторда қиссалар ва ҳикоялар тўпламлари ҳам мавжуд бўлиб, келажакда бундай ҳикоя ва қиссалардан иборат бўлган аждодларимизнинг маънавий мерослари илмий тадқиқ қилиниб, халқимизнинг ўз она тилига ўгирилиб нашр этилса, ёш авлодни одоб-ахлоқли, ёт ғояларга қарши тура оладиган ҳақиқий комил инсон қилиб тарбиялашда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади, деган умиддамиз. Зеро, Биринчи Президентимиз И.А.Каримов ўз нутқларининг бирида: “Ўтмишдаги алломаларнинг бебаҳо мероси қанчадан-қанча авлодларнинг маънавий-руҳий онгини ва турмуш тарзини шакллантирган эди ва у ҳамон таъсир кўрсатмокда” деб таъкидлаган эдилар.

Турли соҳалардаги манбаларда учрайдиган мушкул жумлаларни осонлаштириш ва манбашуносларга енгил бўлиши учун турли диёр уламолари томонидан турли даврларда ҳар хил

номлар остида луғат ва қомусий қўлланмалар ҳам яратиб келинган. Мазкур кутубхона хазинасида ана шундай манбалардан – Иброҳим Фаруқийнинг “Шарафнома” номли асарининг (1013х/1605) йилда кўчирилган нусхаси, Увайс ибн Ғуломнинг “Қузул-маънавий”, Муҳаммад Хусайн Бухорийнинг “Бурҳонун қотеъ” асари шунингдек, “Мунтахабул луғот”, “Қанзул луғот”, “Ахтари Кабир”, “Қашшофу истилоҳот ал фунун”, “ал-Қомус ал-арабий-ар-русӣ”, “Арабча-татарча луғат” каби турли тиллардаги қомусий манбалар ҳам сақланиб келинмокда.

Шарқда яшаб ижод этган ва жаҳон маданияти хазинасига улкан ҳисса қўшган олимлар илм-фаннинг маданият, санъат, математика, ҳандаса, биология, ботаника, география, кимё, астрономия, астрология, мантиқ, фалсафа ва ҳаттотлик санъати каби соҳаларда кўплаб ижодлар қилганлар. Мазкур соҳаларга оид бир қанча асарлар ҳам кутубхона хазинасидаги асарларнинг маълум бир қисмини ташкил этади.

Хулоса қилиб шуни айтиш лозимки, агар биз ўрта асрдаги юзлаб мадраса ва мактабларда олиб борилган таълим-тарбия ишларига назар ташласак, дарслик сифатида ўқитилган минг-минглаб китоблар қўлда кўчирилиб, мактаб ва мадраса эҳтиёжларини қондирганлигини ўйлаб кўрсак, кўз нури тўкиб, бу китобларни бунёдга келтирган аждодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий мероси бўлмиш китоблар қадрини нечоғлик юксак эканлигини англаб, ҳис этамиз. Зеро, донишмандлардан бири: “Китоблар замон тўлкинида сузувчи, ўзларининг қимматбаҳо юқларини авлодлардан-авлодларга авайлаб элтувчи тафаккур кемаларидир”, деб бежизга айтишмаган. Мана шу тафаккур кемаларининг ўз манзилларига яъни келажак авлодларга талофотсиз, соғ-саломат етиб келишига сизу бизлар масъулмиз. Чунки, бундай қимматбаҳо асарлар ёш авлод онгига миллий, диний, илмий, ирфоний қадриятларни сингдириш, уларни ватанпарварлик, Ватанга муҳаббат, ота-боболаримизнинг маданий-маънавий меросига ҳурмат билан қараш, миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялашда муайян аҳамият касб этади.